

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМий-ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ**

**ДАВРОНОВ ОБИД ЎКТАМОВИЧ**

**МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ ОРҚАЛИ ЯЙЛОВ ЕРЛАРИ  
МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ  
(Бухоро вилояти мисолида)**

**06.01.10-«Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Давронов Обид Ўктамович**

Масофадан зондлаш орқали яйлов ерлари мониторингини юритиш  
(Бухоро вилояти мисолида) ..... 3

**Давронов Обид Уктамович**

Ведение мониторинга пастбищных земель посредством  
дистанционного зондирования (на примере Бухарской области)  
..... 21

**Davronov Obid Uktamovich**

Monitoring of pasture lands by remote sensing (on the example of the  
Bukhara region)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМий-ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ**

**ДАВРОНОВ ОБИД ЎКТАМОВИЧ**

**МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ ОРҚАЛИ ЯЙЛОВ ЕРЛАРИ  
МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ  
(Бухоро вилояти мисолида)**

**06.01.10-«Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

Кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Qx469 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ўздаверлойиҳа» давлат-илмий лойиҳалаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тураев Рухиддин Амиркулович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий олоноцентлар:**

**Ренмов Ниетбай Байназарович**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

**Намозов Нормамат Чориевич**  
кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

Тупрокшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузурдаги PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг «16» 08 2022 йил соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (N546083 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00.

Диссертация автореферати 2022 йил «27» 07 кун тарқатилди.

(2022 йил «27» 07 даги 2 рақамли реестр баённомаси).

  
**Д.А.Қодирова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, б.ф.д., доцент

  
**Н.И.Шадиева**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта  
илмий ходим

  
**У.Норқулов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д., профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича яйлов ерларининг умумий майдони 1 910 млн гектарни ташкил этади. Шундан 246 млн гектар (12,8%) турли даражадаги деградацияга учраган, 642 млн гектар (33,6%) ҳолати ёмонлашган, 1 022 млн гектар (53,5%) барқарор ҳолатдаги яйлов ерларни ташкил этади<sup>1</sup>. Шу сабабли масофадан зондлаш орқали яйлов ерларида кечаётган деградация жараёнларини олдини олиш, яйлов ерлари маҳсулдорлигини тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда масофадан зондлаш орқали яйлов ерларидаги турли омиллар таъсирида юзага келаётган ўзгаришларни аниқлашга қаратилган устувор йўналишларда илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада яйлов ерларининг электрон рақамли классификаторини ишлаб чиқиш ва деградацияга учраган яйлов ерлари рақамли шартли белгиларини яратиш, чўл яйлов ерларида ўсимликлар билан қопланганлиги даражасини, ўртача ҳосилдорлигини аниқлаш ҳамда яйлов ерлари мониторингини юқори аниқликда юритишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда 21,1 млн. гектар яйловлар (46,5%) мавжуд, сўнги 35-40 йил давомида яйлов ўсимликлари сони камайиб, турли даражада деградацияга учраши ҳолатлари қайд қилинган. Мамлакатимизда яйлов ерларининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, деградация жараёнларини олдини олиш, маҳсулдорлигини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш, илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар ошириш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган<sup>2</sup>. Шу сабабли мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда масофадан зондлаш орқали яйлов ерлари мониторингини юритиш усулини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги «Яйловлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги 277-сон «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий ҳудудлар бирликлар чегарасини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 24 сентябрдаги 737-сон «Ўзбекистон Республикасида атроф

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/documents/card/ru/c/cb7654ru>.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/pdfs/5841063> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони.

табiiй муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2022 йил 14 январдаги 22-сон «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг III. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлар доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ерлари, хусусан яйлов ерлари мониторингини юритиш, ер тузиш, ер ҳисобини юритиш, ер ахборот тизимини шакллантириш, яйлов ерларидан самарали фойдаланиш (М.И.Рузметов, Р.А.Тураев, Ғ.Т.Парпиев, С.А.Авезбаев, А.С.Чертовицкий, Ғ.А.Толипов, Б.А.Адилов, Ш.К.Нарбаев, Н.Ч.Намозов, М.Н.Норқулов, М.Т.Абдуллаева, Х.К.Бағбеков, К.М.Хайтова), ер тузиш ва картография соҳасида геовизуаллаштириш (Э.Ю.Сафаров, И.М.Мусаев, А.Н.Инамов, С.Н.Абдурахмонов, Ў.Б.Мухторов, Р.К.Ойматов, К.Н.Тоҳиров, Р.И.Махсудов), чўл яйловлари ҳосилдорлигини ошириш масалалари (Н.Бобокулов, М.Махмудов, А.Раббимов) тупроқшунослик соҳасида геомаълумотлардан фойдаланиш (Л.А.Гафурова, Г.Т.Джалилова, Г.М.Набиева, В.Х.Шеримбетов) бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган. Хорижий мамлакатларда турли масофадан зондлаш маълумотлари асосида баҳолаш ва турли йўналишларда ер мониторингини юритишга оид тадқиқотлар С.Н.Волков, В.В.Вершинин, Д.А.Шаповалов, А.Л.Ильиных, Е.В.Белорусцева, В.Я.Цветков, С.С.Волков, П.А.Булгаков, А.Н.Лимонов, Т.Zhai, G.Jin, X.Deng, Z.Li, Y.Wang, B.Zhao, Y.Zhang, G.Gao, B.Yang, L.Wang, L.Cheng, D.Li, J.Qi, кабилар томонидан олиб борилган. Лекин, Ўзбекистонда масофадан зондлаш орқали яйлов ерлари мониторингини юритиш усулини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрель 299-сон «Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан 2018-2021 йилларда «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойихалаш институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган (2019-2021 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** масофадан зондлаш материаллари орқали яйлов ерлари мониторингини юритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

яйлов ерларининг электрон рақамли классификаторини ишлаб чиқиш ва деградацияга учраган яйлов ерлари рақамли шартли белгиларини яратиш;

яйлов ерларининг мониторингини юритиш механизмини асослаш;

чўл яйлов ерларида ўсимликлар билан қопланганлиги даражасини, ўртача ҳосилдорлигини ҳамда 1 та шартли мол бош сонига тўғри келадиган майдон улуши аниқлаш;

деградацияга учраган яйлов ерларни норматив қийматини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Бухоро вилояти ҳудудидаги яйлов ерлари саналади.

**Тадқиқотнинг предмети** асосини яйлов ерларини масофадан зондлаш материаллари, мониторинг натижалари, рақамли яйлов классификаторларини ишлаб чиқиш, ер ахборот тизими маълумотлари, деградация жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида масофадан зондлаш, қиёсий таққослаш, мониторинг юритиш, монографик тадқиқот ҳамда хариталарни электрон рақамлаштириш каби усуллардан фойдаланилган, олинган маълумотлар Б.А.Доспехов тенгламаси (1985;) ва Microsoft Excel дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор \*style форматда яйловларнинг 288 та электрон рақамли классификатори ишлаб чиқилган, шунингдек «кучсиз», «ўртача» ва «кучли» деградацияга учраган яйлов ерлари рақамли шартли белгилар яратилган;

яйлов ерларининг мониторингини юритиш жараёнида: космосурат > ArcGIS дастури > «LocusGIS» иловаси > танланган объектга чиқиш > «LocusGIS» иловаси > ArcGIS дастури > «Yaylov yerlari monitoring tizimi» портали кетма-кетлиги механизми асосланган;

сўнгги 26 йилда чўл яйлов ерларида ўсимликлар билан қопланганлиги даражаси ўртача 47% дан 45% га, шунингдек, ўртача ҳосилдорлиги 2,1 ц/га дан 1,9 ц/га га (-0,3 ц/га) камайганлиги асосланган, 1 та шартли мол бош сонига тўғри келадиган майдон улуши эса 28,0 гектардан 32,4 гектарга (+4,4) кўпайганлиги аниқланган;

деградацияга учраган яйлов ерларни норматив қийматини белгилашда сифати жиҳатидан «юқори», «ўртача», «ўртачадан паст» ва «паст» яйловларга ажратиш орқали 1,0, 0,9, 0,8 ва 0,7 коэффицент қўллаган ҳолда ҳисоблаш ва табақалашган ер солиғи белгилаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«лалми ва яйлов ерларида мониторинг юритиш» бўйича илмий-услубий қўлланма ишлаб чиқилган;

яйлов ерлари маҳсулдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда чорва молларини алмашлаб боқиш бўйича тадбирлар белгилаш мақсадида 1:25 000 масштабда Бухоро вилояти Қоракўл тумани «Қоракўл» МЧЖ яйлов геоботаник хариталари тузилган;

«қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш» дастури ишлаб чиқилган;

«табiiй яйловлар ўсимликларининг мониторингини юритиш ишларини амалга ошириш бўйича қўлланма» ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ва аниқлиги, замонавий ГАТ услублари асосида бажарилганлиги, уларнинг математик-статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг илмий асосланганлиги, онлайн дастурнинг амалиётда фойдаланилганлиги ҳамда охириги нашр этилган услубий қўлланмалар асосида бажарилганлиги, Республика ва халқаро миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, нуфузли хорижий ва Республика илмий журналларида чоп этилганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор яйловларнинг электрон рақамли классификатори ишлаб чиқилганлиги, шунингдек «кучсиз», «ўртача» ва «кучли» деградацияга учраган яйлов ерлари рақамли шартли белгилар яратилганлиги, яйлов ерларининг мониторингини юритиш жараёни кетма-кетлиги механизми асосланганлиги, сўнгги 26 йилда чўл яйлов ерларида деградация жараёнлари кучайганлиги, ўсимликлар билан қопланганлик даражаси камайганлигини асосланганлиги, 1 та шартли мол бош сонига тўғри келадиган майдон улуши ўртача 4,4 гектарга кўпайганлигини аниқланганлиги, деградацияга учраган яйлов ерларни норматив қийматини белгилашда сифат жиҳатидан «юқори», «ўртача», «ўртачадан паст» ва «паст» яйловларга ажратиш орқали 1,0, 0,9, 0,8 ва 0,7 коэффициент қўллаган ҳолда ҳисоблаш ва табақалашган ер солиғи белгилаш таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яйлов ерлари маҳсулдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда чорва молларини алмашлаб боқиш бўйича тадбирлар белгилаш мақсадида тузилган 1:25 000 масштабда Бухоро вилояти Қорақўл тумани «Қорақўл» МЧЖ яйлов геоботаник хариталари, «қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш» дастури, «лалми ва яйлов ерларида мониторинг юритиш» ҳамда «табiiй яйловлар ўсимликларининг мониторингини юритиш ишларини амалга ошириш бўйича қўлланма»лар ишлаб чиқилган бўлиб, яйлов ерлари мониторингини юритиш, деградация жараёнлари аниқлаш, олдини олиш ва улардан самарали фойдаланиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Масофадан зондлаш орқали яйлов ерлари мониторингини юритиш усулини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Лалми ва яйлов ерларида мониторинг юритиш» бўйича илмий-услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 4-мартдаги 04/30-04/997-сон маълумотномаси). Натижада, республикадаги мавжуд

лалми ва яйлов ерлари мониторингини юритишда ҳамда улардан самарали фойдаланишда илмий-услубий қўлланма бўлиб хизмат қилган.

«Ўсимликлар дунёси кадастри маълумотлари асосида яйлов ва лалмикор ерлардан фойдаланиш даражасини баҳолаш ва экинларни вегетация кўрсаткичларини башоратлашнинг дастурий таъминоти» (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган гувоҳнома: №DGU 09610. 07.12.2020 й.) яратилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 4-мартдаги 04/30-04/997-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу дастурий таъминот яйлов ерлари мониторингини юритиш ишларини муайян даражада автоматлаштиришга ҳамда сарф этилаётган ортиқча меҳнат ва маблағларни тежашга имкон берган;

«Pasture land monitoring system» (Яйлов ерлари мониторинг тизими) дастури яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий этилган (Guvohnoma №DGU 16679. 06.06.2021). Натижада, ушбу порталда яйлов мониторингини юртишда рақамлаштиришга эришилган, Бухоро вилоятининг яйлов ерлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва ундан очиқ фойдаланишга имкон берган.

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ҳолати ёмон бўлган ерларни йўқламадан ўтказиш бўйича кўрсатмалар» ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 4-мартдаги 04/30-04/997-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиққан ерларни аниқлаш ҳамда ҳолати ёмон ерлардан самарали фойдаланишда илмий-услубий қўлланма бўлиб хизмат қилган.

«Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги экин ерларини норматив қийматини аниқлаш» (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган гувоҳнома: №DGU 11541. 21.06.2021 й.) дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 4-мартдаги 04/30-04/997-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу дастурий таъминот қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган тезкор маълумотлар тақдим этишда қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг яйлов ерларини норматив қийматини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили «Ўздаверлойиҳа» ДИЛИнинг Илмий-техник кенгашида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган, жумладан 4 та ҳалқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган. Диссертация иши институтнинг Илмий-техник кенгашида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шундан 2 та дастурий таъминотга муаллифлик гувоҳномаси олинган, 3 та илмий-услубий қўлланма, 1 та кўрсатма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари батафсил баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси яйлов ерлари, мониторинг юритишнинг услубий асослари**» деб номланган биринчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси яйлов ерларининг таснифи ва тавсифи, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлари мониторинги ва яйлов ерларини юритишнинг услубий асослари ҳамда мониторинг юритиш бўйича хорижий тажрибалар таҳлил қилинган.

2021 йил 1 январь ҳолатига тузилган ер ҳисоботида кўра республикамиздаги мавжуд табиий яйлов ва пичанзорларнинг умумий майдони 21,1 млн га бўлиб, бу жами ер майдонларининг 46,6% ташкил этади, шундан 18,6 млн га сув билан таъминланган яйлов ва пичанзорлар ҳисобланади (Миллий ҳисобот, 2021).

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ер мониторингини юритишнинг аҳамиятига қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар Р.А.Тураев (2020а; 2020б; 2021а; 2021б), М.И.Рузметов, Р.А.Тураев, М.Т.Абдуллаева, О.У.Давронов (2021), Р.А.Тураев, Ғ.Т.Парпиев, Қ.М.Хожиев (2020), лалми ерлар мониторингига бағишланган илмий ва амалий тадқиқотлар Р.А.Тураев, Р.Н.Шаропов (2020), ер ахборот тизимларини яратишга қаратилган ишлар Б.Ю.Махсудов, Р.А.Тураев, Ғ.Т.Парпиев, С.А.Тошпулатов (2021), яйлов ерлари, улардан самарали фойдаланиш ва деградация жараёнлари М.И.Рузметов томонидан (2021), Ғ.Т.Парпиев, Х.К.Бағбеков, К.М.Хайтова (2021а; 2021б), М.Н.Норқулов (2022) кабилар томонидан ўрганилган.


Юқоридагилардан кўриниб турибдики, масофадан зондлаш орқали яйлов ерларида мониторинг юритиш ишлари Ўзбекистон Республикаси шароитида шу кунга қадар амалга оширилмаганлигини кўрсатади. Демак, қишлоқ хўжалигида яйлов ерлари мониторингини юритиш бугунги кун долзарб масалаларидан бири эканлигидан далолат беради.

Р.А.Тураевнинг тавсифига кўра (2021), ер мониторинги гипотезасининг асосий мазмуни мунтазам ва мажмуали кузатиш, қидириш, тафтиш қилиш, тасвирга олиш ва ўзгаришларни тавсифлаш ва илмий асосда башорат қилишдан иборат.

Дунё миқёсида Голландия, АҚШ, Япония, Хитой, Корея, Буюк Британия, Норвегия, Канада, Франция, Венгрия, Германия, Австрия каби ривожланган хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги соҳасида турли йўналишлардаги мониторинг масалалари асосан 1970-1980 йиллардан бошланган, мамлакатимизда эса алоҳида ҳукумат қарори (ЎзРВМнинг 2000 йил 23 декабрдаги №496-сон қарори) қабул қилинган, бунда 2003 йилдан алоҳида йўналиш сифатида республика суғориладиган, лалми ва тоғ олди ва чўл яйлов тупроқларининг сифати жиҳатидан ўрганила бошланган. 2020 йилга келиб ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалик ерлари, хусусан яйлов ерлари мониторингини юритиш ишлари кенг тус ола бошланган.


Диссертациянинг «**Бухоро вилояти яйлов ерлари, мониторинг юритишда анъанавий ва замонавий усулларни қўллашнинг афзалликлари**» деб номланган иккинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, тадқиқот объекти ва услублари, яйлов ерлари мониторингини юритишда анъанавий ва замонавий усуллар таҳлили ҳамда рақамли яйлов классификаторини ишлаб чиқиш ва унинг афзалликлари ёритилган.

Тадқиқот объекти сифатидан танланган Бухоро вилояти умумий майдонига нисбатан яйлов ерлари майдони 61,2 фоиз (2 558 079 га)ни ишғол этади. Шундан энг кўп яйлов ерлари майдони 32% (817 787 га)ни ташкил этиб, Пешку туман ҳудудига, энг кам яйлов ерлари эса атиги 0,001% (35 га)ни ташкил этиб, Бухоро шаҳар ҳудудига тўғри келади (1-расм). Қолган туманлар яйлов ерлари майдони оралиқ ўринларни эгаллайди.



1-расм. Бухоро вилояти ҳудудигадаги яйлов ерлари майдони.

Пилот участка сифатида танланган Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Қоракўл» МЧЖ, «Тошкент», «Қувача», «Бухоро», «Зиёрат», «Пайкент» ва Э.Рахимбердиев номли массивларнинг жами яйловлар билан қопланган 276 804 гектар ер майдонида геоботаник тадқиқот ишлари ўтказилди.



2-расм. Қоракўл тумани «Қоракўл» МЧЖ массивининг яйлов геоботаник харитаси (2018 йил, масштаб 1:100 000).

Туманда жами 32 яйлов ўсимликлар тури мавжуд бўлиб, шундан озуқабоп ўсимликлар тури 28 тадан 34 тагача, ноозуқабоп, зарарли, захарли ва ноозуқабоп ўсимликлар эса 13 тадан 19 тагача учрайди.

Чорва молларининг сув билан таъминланиши асосан қудуқлар сувлари ҳисобига амалга оширилади. Туман яйловларида 584 та қудуқ мавжуд бўлиб, шулардан 365 таси соз ҳолатда бўлиб, 219 таси эса носоз ҳолатда эканлиги аниқланди.

Умуман олганда, бу ҳудудда чорва моллари ва яйловларнинг сув билан таъминланиши қониқарсиз даражада бўлиб, носоз қудуқлар ҳам таъмирланса яна қўшимча чорва молларини жойлаштириш имкони пайдо бўлади.

1992 йилда Бухоро вилояти ҳудудида ўтказилган геоботаник тадқиқотларда Қоракўл тумани ҳудудида 47 та яйлов ўсимлик тури қайд қилинган. 2018 йилга келиб 32 та ўсимлик турлари қайд қилиниб, 15 та ўсимликлар тури учрамади.

Бу борада «Ўздаверлойиха» ДИЛИ томонидан олиб борилган геоботаник тадқиқотларда чорва моллари емайдиган «Исирик» (*Peganum harmala*) ва «Қизил бурган» (*Artemisiya seoparia*) ўсимликлар майдони ортганлиги кузатилиб, айрим жойларда «Исирикли» яйлов типлари ҳам ҳосил бўлган (Рузметов, 2021).

1992 йилда яйлов ўсимликлари ҳосилдорлиги ўртача 2,1 ц/га ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса 1,9 ц/га ни ташкил қилиб, 0,3 ц/га камайганлиги аниқланди. Мос равишда яйлов ўсимликлари билан қопланганлик даражаси бўйича ўртача 47% ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 45% қайд қилиниб, 2% га камайган.

Чўл яйловларида ўсимликлар ҳосилдорлиги ўртача 2,1 ц/га дан 1,9 ц/га га (-0,3 ц/га) камайган, 1 та шартли мол боши сонига тўғри келадиган майдон улуши эса 28,0 гектардан 32,4 гектар (+4,4 гектар)га кўпайган.

Яйловларнинг ўсимликлар билан қопланганлик даражаси ва ҳосилдорлигини баҳолаш ишлари Б.А.Доспехов тенгламаси (1985) бўйича Microsoft Excel дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди. Қоракўл тумани чўл яйловлари ҳолати бўйича «паст» деб баҳоланди (1-жадвал).

## Яйловларнинг ҳолатини ифодаловчи математик-статистик таҳлил

n	Ўсимликлар билан қопланганлиги даражаси, %					Ўртача ҳосилдорлик, ц/га					Яйловларнинг ҳолати бўйича баҳоси
	X	S	V	Sx	Snx	X	S	V	Sx	Snx	
<b>«Қорақўл» МЧЖ массиви</b>											
1-9	<b>52,00</b>	2,74	5,27	0,27	0,53	<b>1,92</b>	0,22	11,27	0,02	1,13	Паст
<b>«Тошкент» массиви</b>											
1-5	<b>41,80</b>	3,03	7,26	0,30	0,73	<b>1,80</b>	0,25	14,16	0,03	1,42	Паст
<b>«Қувача» массиви</b>											
1-5	<b>45,00</b>	4,42	9,81	0,44	0,98	<b>1,90</b>	0,22	11,77	0,02	1,18	Паст
<b>«Бухоро» массиви</b>											
1-5	<b>47,80</b>	4,55	9,52	0,45	0,95	<b>2,04</b>	0,18	8,90	0,02	0,89	Паст
<b>«Зиёрат» массиви</b>											
1-5	<b>35,80</b>	6,53	18,25	0,65	1,83	<b>1,70</b>	0,19	11,00	0,02	1,10	Паст
<b>«Пайкент» массиви</b>											
1-6	<b>44,00</b>	5,10	11,59	0,51	1,16	<b>1,80</b>	0,23	12,67	0,02	1,27	Паст
<b>Э.Раҳимбердиев номли массив</b>											
1-6	<b>49,83</b>	5,78	11,59	0,58	1,16	<b>1,92</b>	0,15	7,68	0,01	0,77	Паст

Изоҳ: X - кўрсаткичларнинг ўртача қиймати; S-ўртача квадратик четлашиш;

V- вариация коэффиценти; Sx-ўртача хатолик; Snx-ўртача нисбий хатолик.

Ўрганилган яйловлар математик-статистик таҳлилларда ўртача ҳосилдорлик бўйича энг минимал ўртача хатолик кўрсаткичи Э.Раҳимбердиев номли массив яйловларида 0,01% ни, энг максимал кўрсаткичи «Тошкент» массиви яйловларида 0,03% ни ташкил этади. Худди шунингдек, ўсимликлар билан қопланганлиги даражаси 0,27 дан 0,65 фоиз бўлган ораликни ташкил этади. Демак, ўртача хатолик кўрсаткичи <1 дан кам деб изоҳланади.

Масофадан зондлашнинг асосий маҳсулоти космик суратлар ҳисобланади. Масофадан туриб олинган аэросурат, космик сурат ва рақамли маълумотларнинг энг катта афзалликларидан бири, уларнинг бир вақтнинг ўзида, бир хил табиий шароитдаги катта майдонларни қамраб олишидадир.

Сўнгги пайтларда учувчисиз учиш аппаратлари нархининг аста-секин пасайиши ва дронлардан фойдаланган ҳолда профессионал хизматларнинг таклифлари сонининг кўпайиши тенденцияси кузатилмоқда<sup>6</sup>.

800 минг га яйлов ерларини турли хил усуллар ёрдамида мониторинг қилишни тавсифлайдиган бўлсак, анаъанавий усулда 15 нафар геоботаниклар томонидан 260 кун дала ишларига, 40 кун маълумотларни камерал шароитда қайта ишлашга сарфланади ва ойлик иш ҳаққи ҳисобида талаб этиладиган ҳаражат 814 млн 500 минг сўмни ташкил этади. Ушбу усул кўп ҳаражатлилиги билан бир қаторда инсон ҳаётига ҳафли ҳолатлари ҳам мавжуд. Анаъанавий усулда ҳудудни тўлиқ қамраб олишда кўплаб турлича муаммолар вужудга келади, боиси объект чўл ҳудудида бўлганлиги сабабли қумли ва барханлар мавжуд ушбу ерларда транспорт воситасида юриш имконияти мавжуд эмас, бу эса мутахассисларни пиёда ёки отда ҳаракатланишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам, анаъанавий усулнинг

<sup>6</sup> <https://www.geomir.ru/publikatsii/agrodrony>.

салбий томонлари кўплиги ҳисобига ишларни амалга оширишга кўп вақт талаб қилади.

Чўл яйловларининг йирик майдонларида мониторинг ўтказиш иқтисодий самара бермаслигини кўриш мумкин. Юқоридаги жадвалда фақат ойлик сарф харажатлари ҳисобланган агар биз бошқа харажатларни ушбу усулга қўшадиган бўлсак сарф жаражатлар миқдори 3-4 бароборга ортади. Ушбу усул қулайлиги майдони кичик бўлган қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

800 га яйлов ерларида учун космик суратлар ёрдамида мониторинг ишларини амалга ошириш самарадорлигини Sentinel 2 космик суратларида олиб борилганда 800 минг га ер майдони Sentinel 2 нинг 4 планшетларда жойлашган ҳолда таҳлил қилинади. Объектнинг асосий қисми 1, 2 ва 4 планшетларга тўғри келади.

Sentinel 2 космик суратлари ақтуаллиги ҳамда 10 м аниқликда бепул эканлиги билан қулай танланган усул ҳисобланади ва масофадан зондлаш материаллари геоахборот базасини шакллантириш ва тезкорлик билан янгилашни бир неча баробар тезлаштиради.

Республикамизда геоботаник хариталарни ишлаб чиқишда рақамли яйлов классификатори илмий ва назарий асосланмаганиги ва бугунги кунга келиб яйловларнинг рақамли классификатори қабул қилинмаганлиги ушбу соҳада қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Харитадан фойдаланиш учун унинг мазмунини ўқиб тушуниш, яъни харита тўғрисида тўлиқ маълумот олиш ва хаританинг ўқувчанлигини ошириш учун фойдаланувчи шартли белгилар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши керак (4-расм).

*Рақамли яйлов классификатори* – яйлов ерларининг сифати ва миқдорий хусусиятларига оид маълумотларни тизимлаштиришга имкон беради. Шу асосда яйлов ерларидан оқилона фойдаланиш, давлат ер кадастрини юритиш, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри ва яйлов мониторингини олиб боришни таъминлайди.




3-расм. 1988 йилда яратилган Бухоро вилояти Қоракўл тумани геоботаник харитаси.

Яйловлар классификациясини яратишда бу ерларнинг сифатини белгиловчи топоэкологик ва иқтисодий кўрсаткичлар (иқлими, рельефи, ҳудуднинг гидрологик шароити, тупроқ хоссалари, ўсимликлар таркиби ва бошқа хусусиятлари) асос ҳисобланади.


Классификаторни ишлаб чиқишда графика, шрифтлардан фойдаланилади ҳамда ушбу фойдаланилган элементлар яратилган \*style базасига илова сифатида тақдим этилади, бу элементлар мавжуд бўлмаган

тақдирда шартли белгилар шакллари мутлақо ўзгариб кетади ва бу классификатор талаблари бузилишга олиб келади.


Юқоридаги кетма-кетлик асосида 288 та мавжуд яйлов шартли белгилар ҳамда ушбу шартли белгилар қаторига тадқиқот натижалари ўлароқ 3 та янги шартли белги киритилди. Ушбу киритилган шартли белги ҳам махсус кодлар қўйилиб рақамлаштирилди (4-расм) ва рақамли яйлов классификатори базаси ишлаб чиқилди.



- Кучсиз деградацияга учраган яйловлар;  
(*RGB-255, 128, 127*)



- Ўртача деградацияга учраган яйловлар;  
(*RGB-255, 92, 90*)



- Кучли деградацияга учраган яйловлар.  
(*RGB-255, 39, 38*)

4-расм. Деградацияга учраган яйлов ерлари ҳудуди учун шартли белгилар рақамли классификатори.

Классификаторга киритилган янги шартли белгининг хусусиятларидан бири шуки, агар деградацияга учраган ҳудудларнинг ҳолатини учга бўлиб, таҳлил ва натижаларини бартараф этиш чора тадбирларини белгиланмаса дифференциал ёндошув бўлмади ва натижада барча ҳудудга бир хил деградацияни бартараф этиш чораси қўлланилади ва бу ортиқча сарф харажатларни келтириб чиқариш тадқиқотлар натижасида аниқланди.

Диссертациянинг «**Яйлов ерлари мониторингини юритишни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи боби ҳам учта бўлимдан иборат бўлиб, Масофадан зондлаш маълумотлари асосида яйлов ерларини аниқлаш усули, Яйлов ерлари мониторингини юритиш усулини такомиллаштириш ва унинг меъёрий қийматини аниқлаш ҳамда Яйлов ерларини миллий геомаълумотлар базасини яратиш ва рақамли харитасини тузиш услубини такомиллаштириш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Масофадан зондлашни асосий қисми бу тасвирнинг таҳлили. Бундай таҳлил визуал, компьютердан қисман ёки тўлиқ фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Масофадан зондлаш маълумотлари ердан фойдаланувчилар харитасини ва топографик хариталарни тузишда асосий манбаи ҳисобланади.

Самолёт ва сунъий йўлдошлар орқали олинган масофадан зондлаш маълумотлари ёрдамида табиий ўтлоқларни, ўрмон хўжалигида ўсимлик қатламини аниқ ўлчаш ва унинг маълум вақтда ўзгаришини аниқлаш мумкин.

Яйлов ҳудудлари ўсимликлар ҳолати йиллар давомида ўзгаришини NDVI кўрсаткичлари асосида кузатиш ишини автоматлаштириш учун ушбу

жараёнларни кетма-кетлигини ўз ичига олган модел ишлаб чиқилди. Бунда ArcGIS дастурий таъминотининг Model Builder функционал қўшимчасидан фойдаланилди.

Биз томондан у ёки бу даражада деградацияга учраган яйлов ерлари худудини аниқлаш мақсадида Қоракўл туманидан танланган тадқиқот худудида «SAS Planeta» дастурий таъминоти ёрдамида космосуратлар юклаб олиниб илмий изланишлар олиб борилди.

Тадқиқотлар жараёнида дастлаб муаммоли пилот участка худуди белгиланиб, қайта ишлаш имконияти бўлмаган космосуратлар тегишли масштабда WGS-84 очик координаталар тизимига боғланди ва «LocusGIS» иловасига юкланди. Дала шароитида танланган пилот участка (Қоракўл тумани)га бориб, ўрганилаётган яйлов ерларининг барча ўзгаришлари «LocusGIS» иловаси орқали коррективровка қилинди, яқунланган маълумотлар «Yaylov yerlari monitoring tizimi» порталига интеграция қилинди.

Демак, Космосурат > ArcGIS дастури > «LocusGIS» иловаси > танланган объектга чиқиш > «LocusGIS» иловаси > ArcGIS дастури > «Yaylov yerlari monitoring tizimi» портали механизми асосида яйлов ерларининг мониторингини юритиш мақсадга мувофиқ.

Бунда: SAS Planeta дастуридан космик суратларни RMaps (SQLite3) форматида юклаб олинди ва юклаб олинган космик суратларни махсус дастур (LocusGIS)га жойлаштириш учун проекциялаш ишлари амалга оширилди. Ушбу дастурга космик суратлар WGS-84 географик координатлар тизими асосида жойлаштирилди.

Ушбу мобил илованинг қулайлиги шундаки, мониторинг амалга оширилаётган худудда интернет яхши ишламаса офлайн шаклда ишлатилади. Бундан ташқари, чўл худудларидаги яйловларнинг ҳолати, ўсимликларни географик жойлашуви, таснифи, атрибутив маълумотларни жойнинг ўзида киритиш имконияти мавжуд, бу эса дала ишларини амалга оширишда бир мунча қулайликлар яратади. Анъанавий усулда эса ушбу худуд чўл худудлиги боис 1:50 000 масштабдаги аввалги йиллардаги хариталар ва ушбу худуднинг мавжуд бўлса ортофотопланларида фойдаланиб, дала дешифровка ишлари амалга оширилади.


Юқоридаги икки услубни таҳлил қиладиган бўлсак, дала ишларини амалга оширишда LocusGIS мобил қурилмасидан фойдаланиш иқтисодий самара бериши ўз исботини кўрсатади.

«SAS Planeta» ва «LocusGIS» дастурлари имкониятларидан фойдаланиб, яйлов ерлари мониторинги натижаларини рақамлаштириш ишлари сезиларли даражада осонлашди. Яъни дала шароитининг ўзида объект тўғрисидаги маълумотларни тўғридан тўғри киритиш имконияти яратилди.

Бухоро вилоятида 2017-2018 йилларда яйлов майдонлари турли сабабларга кўра қисқартирилган. 2019 йилда эса 57 га, 2020 йилда 48 га ва 2021 йилда эса 12 га кўпайгани тадқиқотлар натижасида аниқланди.

Пилот участка сифатида Қоракўл тумани «Қоракўл» МЧЖ худуди деградацияга учраган яйлов ерлари 2016-2021 йиллар вегетация даври

(апрель) бўйича олинган NDVI кўрсаткичлари) жами 47407,74 гектар (100%) яйлов майдони масофадан зондлаш мониторинг маълумотлари асосида баҳоланганда, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 2936,43 гектар (2,46%), 2020 йилда эса 563,30 гектар (0,47%) майдонда турли даражада ўзгаришлар аниқланди(5-расм).



5-расм. Деградацияга учраган яйлов ерлари 2016-2021 йиллар вегетация даври (апрель) бўйича олинган NDVI кўрсаткичлари.

2-жадвал

**2016-2021 йиллар вегетация даври (апрель) бўйича олинган NDVI кўрсаткичлари бўйича майдонлар фарқи**

Растр қийматлари	Растр ранги	Градация даражаси	Майдони	
			гектар	%
<b>2016 йилда</b>				
1		Кучли камайган	2884,70	6,08
2		Камайган	8511,07	17,95
3		Ўзгаришсиз қолган	8058,75	17,00
4		Кўпайган	13606,75	28,70
5		Кучли кўпайган	14346,47	30,26
<b>2021 йилда</b>				
1		Кучли камайган	3471,07	7,32
2		Камайган	7257,75	15,31
3		Ўзгаришсиз қолган	11714,72	24,71
4		Кўпайган	15571,21	32,85
5		Кучли кўпайган	9392,99	19,81

*Эслатма:* Мониторинг ўтказилган ҳудуд умумий майдони 47407,74 гектарга тенг.

Фикримизча, ушбу ҳолат йиллик ёғингарчиликлар билан бевосита боғлиқ деб изоҳланади.

Бунинг исботи сифатида қуйида келтирилган 6-расмда маъмурий жихатдан Бухоро вилояти Қорақўл туманида сўнги 20 йилда кузатилган ёғингарчиликлар миқдори акс эттирилган.



№DGU 11541. 21.06.2021 й.) дастури ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида амалиётга жорий этилди (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 4-мартдаги 04/30-04/997-сон маълумотномаси*). Мазкур дастурий таъминот қишлоқ хўжалиги экин ерларини, шу жумладан яйлов ерларининг норматив қийматини аниқлашга асосланган бўлиб, тезкор маълумотлар тақдим этиш имкони беради. Лекин, бунда ҳам деградация жараёнлари ҳисобга олинмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз томондан яйлов ерларини норматив қийматини аниқлаш учун деградацияга учраган ерларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда шартли коэффицентлар ишлаб чиқилди.

3-жадвал

### **Бухоро вилояти Қорақўл тумани яйлов ерларининг ҳолати бўйича тақсимланиши (2020 йил ҳолатига)**

Т/р	Яйловлар ҳолати	Яйлов майдони, га	% ҳисобида	Яйлов ерларининг ҳосилдорлигига кўра баҳоси	Яйлов ерлари ҳолати учун ишлаб чиқилган шартли коэффицент
1	Деградацияга учрамаган	118593,48	99,53	Юқори	1,0
2	Кучсиз деградацияга учраган	16,15	0,01	Ўртача	0,9
3	Ўртача деградацияга учраган	346,18	0,29	Ўртачадан паст	0,8
4	Кучли деградацияга учраган	200,97	0,17	Паст	0,7
Туман бўйича жами:		119156,78	100	-	-

Ушбу яйлов ер майдонларида фаолият олиб бораётган қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар томонлама қўлаб қувватлаш ва яйловлардан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ерларни норматив қийматини белгилашда мониторинг ўтказилган ҳудудларда яйловларнинг ҳолатига қараб «деградацияга учрамаган», сифати жиҳатидан «юқори ҳосилли» яйловларга – 1,0, мос равишда «кучсиз деградацияга учраган» (ўртача ҳосилли) яйловларга – 0,9, «ўртача деградацияга учраган» (ўртачадан паст ҳосилли) яйловларга – 0,8 ва «кучли деградацияга учраган» (паст ҳосилли) яйловларга эса – 0,7 коэффицент қўллаган ҳолда ҳисоблаш ва табақалашган ер солиғи белгилашни тақоза этади.

Ушбу ишлаб чиқилган коэффицентлар амалиётда яйлов ерларининг норматив қийматини белгилашда фойдаланиш учун тавсия этилади.

### **ХУЛОСАЛАР**

1. Бухоро вилояти ҳудудидаги яйлов ерлари республика умумий яйлов ер майдонининг 12% ини, шундан вилоят умумий майдонига нисбатан 60% ини ишғол этади. Вилоятда 2015 йилга (2 543 191 га) нисбатан 2021 йилда 2 558 079 гектар қайд қилиниб, +14,9 минг гектарга ортганлигини қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларнинг яйлов ер турларига ўтказилганлиги ҳисобига деб тавсифланади. Ушбу ҳолатлар замон ва макон доирасида мунтазам мониторинг тадқиқотларини юритиш зарурлигини кўрсатади.

2. Вилоят ҳудуди денгиз сатҳидан 175-400 метргача баландликда жойлашган бўлиб, йиллик ёғингарчилик миқдори 100 мм атрофида кузатилади. Вилоят яйловларида 584 та қудуқ мавжуд бўлиб, шулардан 365 таси соз, 219 таси эса носоз ҳолатда эканлиги ҳудудда чорва моллари ва яйловларнинг сув билан таъминланиши қониқарсиз даражада деб баҳоланади ва носоз қудуқлар ҳам таъмирланиши талаб этилади.

3. 1992 йилда Қорақўл тумани ҳудудида ўтказилган геоботаник тадқиқотларда 47 та яйлов ўсимлик тури қайд қилинган. 2018 йилга келиб 32 та ўсимлик турлари қайд қилиниб, 15 та ўсимликлар тури учрамади. Мос равишда яйлов ўсимликлари билан қопланганлик даражаси бўйича ўртача 47% ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 45% қайд қилиниб, 2% га камайган. Чўл яйловларида ўсимликлар ҳосилдорлиги ўртача 2,1 ц/га дан 1,9 ц/га га (-0,3 ц/га) камайган, 1 та шартли мол боши сонига тўғри келадиган майдон улуши эса 28,0 гектардан 32,4 гектар (+4,4 гектар)га кўпайган. Ушбу ҳолатлар ҳудудда чорва алмашлаб боқиш тизимини тўғри ташкил этиш зарурлигини кўрсатади.

4. Яйлов ерларини мониторинг қилишда анаъанавий усулларга нисбатан космо суратлардан фойдаланиш арзон ва қулай усул ҳисобланади. Асосийси, Sentinel-2 космик суратларининг аниқлик даражаси 10 м ни ташкил этиб, уни бепул юклаш ва қайта ишлаш афзалликларига эга.

5. Илк маротаба \*style форматда яратилган электрон рақамли яйлов ерлари ва ўсимликлар классификатори нафақат ишлаб чиқаришда, балки ўқув амалиётида ҳам яйлов ерлари электрон рақамли хариталарини тузиш жараёнида муҳим элементлар сифатида хизмат қилади.

6. Космосурат > ArcGIS дастури > «LocusGIS» иловаси > танланган объектга чиқиш > «LocusGIS» иловаси > ArcGIS дастури > «Yaylov yerlari monitoring tizimi» кетма-кетлиги механизми асосида яйлов ерларининг мониторингини юритиш қисқа вақтда, тезкор ва аниқ маълумотлар тақдим этишда муҳим роль ўйнайди.

7. Ҳолатига қараб «деградацияга учрамаган» яйлов ерларга – 1,0, «кучсиз деградацияга учраган» – 0,9, «ўртача деградацияга учраган» – 0,8 ва «кучли деградацияга учраган» ерларга – 0,7 коэффициент кўллаган ҳолда ҳисоблаш ва табақалашган ер солиғи белгиланиши тақоза этади. Бунда яйлов мониторинги маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

8. Бухоро вилояти мисолида масофадан зондлаш орқали яйлов ерлари мониторингини юритиш усулини такомиллаштириш бўйича олинган маълумотлар ва ишлаб чиқилган дастурлар ва тавсиялар ишлаб чиқариш амалиётидан ташқари, ОЎЮларида 5410700-«Ер кадастри ва ердан фойдаланиш», 5311500-«Геодезия, картография ва кадастр», 5313400-«Геодезия ва геоинформатика» каби таълим йўналиши талабалари, магистрантлари ўқув-услубий ҳамда илмий-тадқиқот жараёнларида, «Ер тузиш», «Ер тузишни лойиҳалаш», «Геоботаника», «Тупроқшунослик», «Картография», «Геодезия ва геоинформатика», «Ер ресурсларини бошқариш» каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда жорий қилинган ва ундан кенг фойдаланиш учун тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
PHD.05/04.03.2022.Qx.13.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАУЧНО-ПРОЕКТНЫЙ ИНСТИТУТ  
«УЗГИПРОЗЕМ»**

**ДАВРОНОВ ОБИД УКТАМОВИЧ**

**ВЕДЕНИЕ МОНИТОРИНГА ПАСТБИЩНЫХ ЗЕМЕЛЬ  
ПОСРЕДСТВОМ ДИСТАНЦИОННОГО ЗОНДИРОВАНИЯ  
(на примере Бухарской области)**

**06.01.10 - «Землеустройство, кадастр и мониторинг земель»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУК**

**Ташкент-2022**

Диссертация и тема доктора философии (PhD) сельскохозяйственных наук зарегистрированы в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан от В2022.1.PhD/Qx469.

Диссертация выполнено в государственном научно-проектном институте «Узгипрозем».

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.tdau.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:** Тураев Рухиддин Амиркулович  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:** Реимов Инетбай Байпазарович  
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Намозов Нормамат Чориевич  
доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD), доцент

**Ведущая организация:** Институт почвоведения и агрохимических исследований

Защита диссертации состоится на заседании разового научного совета на базе Научного совета PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 при Ташкентском государственном аграрном университете «16» 08 20 22 года 14<sup>00</sup> часов. (Адрес: 100164, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, №2. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: tuag\_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрированном за номером № 546083). Адрес: 100164, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская, №2 Тел.: (+99871) 260-48-00.

Автореферат диссертации разослан « 27 » 07 2022 года.

(Реестр протокола за № 2 от « 27 » 07 2022 года).

  
Д.А.Кодирова  
Председатель разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., доцент

  
Н.И.Шаднева  
Учёный секретарь разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

  
У.Норкулов  
Председатель научного семинара при разовом Научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Общая площадь пастбищных угодий в мире составляет 1 910 млн га, из них 246 млн га (12,8%) деградированы в той или иной степени, 642 млн га (33,6%) находятся в ухудшенном состоянии, а 1 022 млн га (53,5%) составляют устойчивые пастбища<sup>1</sup>. Поэтому важно предотвратить деградационные процессы на пастбищах, восстановить продуктивность пастбищ и эффективно их использовать с помощью дистанционного зондирования.

В мире проводятся научно-практические исследования по приоритетным направлениям, направленные на определение изменений, происходящих под воздействием различных факторов на пастбищные земли методом дистанционного зондирования. В связи с этим особое внимание уделяется разработке электронного цифрового классификатора пастбищ и созданию цифровых условных знаков деградированных пастбищных угодий, определению степени покрытости растительностью пустынных пастбищ, средней продуктивности и ведению высокоточного мониторинга пастбищных земель.

В республике насчитывается всего 21,1 млн га пастбищ (46,5%), за период последних 35-40 лет количество пастбищных растений сократилось, и наблюдается пастбищная деградация в различной степени. В нашей стране проводятся обширные исследования по определению современного состояния пастбищных земель, предупреждению процессов деградации, повышению продуктивности и эффективному их использованию, и достигаются определенные результаты. В частности, в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы важно «освоение 464 тыс. га новых и выводимых из эксплуатации земель, совершенствование системы научно-инновационного агросервиса, увеличение объемов сырьевой базы и производства предприятий агропромышленного комплекса в 1,5 раза»<sup>2</sup>. Поэтому в дальнейшем развитии сельского хозяйства в стране важно совершенствовать метод мониторинга пастбищных земель с помощью дистанционного зондирования.

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени реализацией задач, указанных в Законе Республики Узбекистан «О пастбищах», принятой 21 мая 2019 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 10 июня 2022 года № 277 «О мерах по созданию эффективной системы борьбы с деградацией земель, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 апреля 2018 года № 299 «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка определения границ административно-территориальных единиц, инвентаризации земельных ресурсов и проведения геоботанических обследований пастбищ и сенокосов», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/documents/card/ru/c/cb7654ru>.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/pdfs/5841063> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони.

24 сентября 2019 года № 737 «О совершенствовании системы государственного мониторинга окружающей среды в Республике Узбекистан» и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 14 января 2022 года № 22 «Об утверждении нормативно-правовых актов, регламентирующих проведение мониторинговых работ, деятельность по охране земель и землеустройству на землях сельскохозяйственного назначения».

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и техники республики.** Данные исследования проводились в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики III. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий» и V. «Сельское хозяйство, биотехнология экология и охрана окружающей среды».

